

**Риёзус солиҳийн шарҳи / Ҳаё ва унинг фазилати ҳамда у билан
хулқланишга одатланмоққа тарғиб қилиш ҳақида / 1188-ҳадис**

1188 - وَعَنْ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «صَلَاةُ اللَّيْلِ مَثْنَى مَثْنَى، فَإِذَا خَفَتِ الصُّبْحُ فَأَوْتِرَ بِوَاحِدَةٍ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 1137، م 749/148].

1188. Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам:

«Тунги намоз икки (ракъат) икки (ракъат)дан. Тонг отиб қолишидан қўрққанинг заҳоти бир рақъат билан тоқ (витр) қил», дедилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Кечаси намоз ўқиганда ҳар икки ракатда салом бериш яхши экани шу ҳадисдан олинган.

Бу ҳадисни Шофеъий мазҳабидагилар ихтиёр қилишган. Бизнинг ҳанафий мазҳабимизда эса витр уч рақъат ўқилади. Албатта бунга саҳиҳ ҳадислардан далил келтиришган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVAT MARVARIDLARI

